ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 120 (9.770) 2002 йил 11 октябрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● **Кеча** атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ёқилғи-энергетика мажмуининг 2002 йилнинг тўққиз ойи давомидаги фаолияти якунларига бағишланган мажлиси бўлди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат мажмуининг жорий йил тўққиз ойи мобайнида қишлоқ хўжалигини иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолашга бағишланган йиғилиши бўлди.

● Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида тараққиётимизнинг янги босқичи вазифалари, демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари аниқ ва равшан белгилаб берилди. Бу эса ҳар жиҳатдан етук, маънавиятли ва маърифатли, баркамол шахсни тарбиялаш бўйича ишларни узлуксиз олиб боришни тақозо этади. Республика «Маънавият ва маърифат» марказида демократик ислоҳотлар ва маънавиятга бағишлаб ўтказилган анжуманда шу ҳақда сўз борди.

● **Кеча** Тошкент Давлат техника университетида «Инновация-2002» еттинчи халқаро илмий-амалий анжуман бошланди.

● Иқтисодиёт тармоқларини куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

● **Кеча** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида «Радиоизотоплар ва уларнинг қўлланиши» мавзуида бўлиб ўтган III-Халқаро конференция ўз ишини якунлади. Анжуманда республикамиз олимларидан ташқари АҚШ, Германия, Туркия, шунингдек Россия, Украина ва бошқа МДҲ давлатларининг мутахассислари ҳамда олимлари иштирок этишди.

Жаҳонда

● Умумроссия жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази мутахассисларининг сентябрь ойида ўтказган сўровларида мурожаат этилган россияликларнинг 53 фоизи Президент Владимир Путинга ишонч билдиришди. Бу ўтган ойдаги натижадан 6 фоиз юқоридир.

● Америкалик Вернон Смит ва Исроил ҳамда АҚШ давлатлари вакили Дэниел Канеман Нобель мукофотининг иқтисодиёт фанлари соҳасидаги совриндорлари бўлишди.

● Покистон ҳукумати Афғонистон билан чегара ҳудудларида 800 нафардан 1000 нафаргача италиялик тоғли ўрмон қўриқчиларини «Ал-Қоида» жангариларига қарши курашиш учун жойлаштиришга қарор қилди.

● Шимолий Ирландия ҳукуматидан икки вазир истеъфога чиқиш ҳақида ариза бердилар. Улар Вазирлар Маҳкамасида ИРА жосуси фаолият кўрсатаётгани ҳақидаги маълумот махсус хизмат томонидан тасдиқлангандан сўнг шундай қарорга келдилар.

● Яқинда «Ал-Қоида» экстремистик ташкилоти етакчилари номидан тарқатилган аудио-видео мурожаатларга жавобан АҚШ Федерал разведка бюроси (ФРБ) бин Лодин террорчилари Америка объектларида қўпорувчиликларни амалга ошириш мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди. Америка ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ҳам шу ҳақда огоҳлантирилган. Унда террорчиликлар қачон ва қаерда амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида кўрсатмалар йўқ.

Пойтахтимизда тайёрланаётган «Тошкент» чойи харидорлар эътиборини тортиб келмоқда. Энг қувонарлиси «TASHKENT TEA FACTORY» қўшма корхонасининг фаолият бошлаганига эндигина бир йилдан ошган бўлсада, унинг харидоргир ва сифатли маҳсулотлари ҳаммага бирдек манзур бўлмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг тажрибали ходимларидан бири Гулнора Тўлаганова.

Қисқа сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** миллий матбуот марказида шаҳримиздаги ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, нарколог-шифокорлар иштирокида бўлиб ўтган «Янги аср сари соғлом насл билан» мавзуидаги давра суҳбати Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ташаббускорлигида уюштирилди.

● **ЮНУСОБОД** туман ҳокимлигида туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ташаббуси билан ишбилармонлар иштирокида ўтказилган йиғилишда кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш режалари муҳокама этилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда уюштирилган гиёвандликка қарши кураш ҳамда унинг олдини олиш чораларига бағишланган анжуманда нарколог-шифокорлар иштирок этишди.

Президент маърузаси китоб ҳолида чоп этилди

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёти Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» маърузасини ўзбек ва рус тилларида кўп нусхада чоп этди.

Мамлакатимиз тарихан қисқа вақт мобайнида дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Аёнки, муайян давлат ва жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи — бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифалардир. Президентимиз белгилаб берган вазифаларнинг устувор йўналишлари китобда батафсил кўрсатиб ўтилган.

Бу устувор йўналишлар қуйидагилардан иборат. Энг муҳим устувор мақсад — тенгсиз олий неъмат — мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади. Иккинчи устувор йўналиш — мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат. Учинчи устувор йўналиш — бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишдан иборат. Тўртинчи устувор йўналиш — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий этишдир. Бешинчи устувор йўналиш — жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, яъни «Кучли давлатдан кучли жамият сари» тамойилини ҳаётга жорий этиш демакдир. Олтинчи устувор йўналиш — бу суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттиришдан иборат.

Китобда таъкидланганидек, қонун устуворлигини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди.

Ниҳоят, еттинчи устувор йўналиш — бу барча ислоҳотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир. Яъни, демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат олиб боришдир.

Зикр этиб ўтилган устувор вазифаларни амалга ошириш, аввало, ўзимизга, олижаноб мақсад-муддаоларимиз сари оғишмай, қатъият билан боришимизга, ташаббус ва тадбиркорлигимизга, ҳар биримизнинг Ватан ва халқ олдидаги бурчимизни нечоғли масъулият билан адо этишимизга боғлиқ эканлиги Президентимиз томонидан алоҳида таъкидланган.

(ЎзА).

Осиё чемпионати Ўзбекистонда ўтказилади

Юртимизда ҳар йили ўтказиладиган «Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги» ҳамда «Тошкент опен» халқаро теннис мусобақалари бутун дунёда ўз мавқеи ва обрў-эътиборига эга. Мана шу турнирлар жараёнида мамлакатимизга ўнлаб теннис юлдузлари ташриф буюрмоқда. Айни вақтда мазкур иккита йирик мусобақадан ташқари барча вилоятларимиз ҳар хил халқаро ва маҳаллий теннис беллашувларига мезбонлик қилаётир. Буларнинг барчаси Ўзбекистонни теннис мамлакати деб баралла айтиш учун асос бўла олади.

Шу йил 14-20 октябрь кунлари Тошкентда Осиё теннис федерацияси ва Ўзбекистон теннис федерацияси яна бир нуфузли мусобақа — Осиё чемпионатини ўтказади.

Осиё теннис федерацияси (ОТФ) Халқаро теннис федерациясининг таркибий қисми бўлиб, унинг қароргоҳи Сингапурда жойлашган. Унга Осиёнинг 43 мамлакати аъзодир. Қитъа теннис федерацияси Шарқий, Марказий ва Жануби Шарқий Осиё минтақаларига бўлинган. Ҳар бир минтақани ОТФ вице-президентлари бошқаради. Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов Марказий Осиё минтақаси бўйича ОТФнинг вице-президентидир.

Осиё чемпионати илк бор 1972 йилда Гонконгда ҳаваскор теннисчилар ўртасида ташкил этилган. Ўшанда ОТФга аъзо бўлган 17 мамлакатдан ўн иккитаси ўз спортчиларини биринчи Осиё чемпионатида иштирок этиш учун юборган. 1989 йилга қадар биринчиликда фақатгина ҳаваскор спортчилар қатнашган. Лекин ўша йилдан эътиборан, мусобақаларга профессионал теннисчилар ҳам қўйилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, 2002 йил ОТФ учун алоҳида эътиборга молик сана ҳисобланади. Чунки шу йили Осиё биринчилиги ўзининг 30 йиллигини нишонлайди. ОТФ мамлакатимизда, истиқлол йилларида спортни, хусусан, теннисни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг самарасини юксак баҳолаб, ана шундай юбилей-турнирга мезбонлик қилиш ҳуқуқини Ўзбекистонга берди. Бундан ташқари, қитъа чемпионати нафақат Марказий Осиё, балки Шарқий Осиёда биринчи марта ўтказилмоқда. ОТФ ва Ўзбекистон теннис федерацияси шу йилдан бошлаб уч йил давомида ушбу мусобақани юртимизда ўтказишга келишиб олди.

Шундай қилиб, 14 октябрдан эътиборан Тошкент теннис маркази кортларида Осиёнинг энг кучли ракетка усталари беллашади. Ҳозиргача 15 мамлакат спортчилари биринчиликда қатнашиш истагини билдирган. Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлаётган Осиё ўйинлари якунлангач, Тошкентга келадиган жамоалар сони кескин ошиши кутилмоқда.

Мусобақа қоидаларига биноан ҳар бир мамлакатдан иккитадан теннисчи қатнашади. Мезбон давлатга берилган имтиёзга кўра Ўзбекистон тўртта теннисчи — Олег Огородов, Вадим Куценко, Оқгул Омонмуродова ва Иванна Исроилова номзодларини кўрсатган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

«Умид юлдузлари» давом этмоқда

БУГУН ва ЭРТАГА «Ўзқўргазмасавдо» мажмуаси яна бир бор ёшлар ихтиёрига берилади. Бу ерда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ишлари вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан учинчи бор анъанавий «Умид юлдузлари» фестивали бўлиб ўтади.

Ёш, иқтидорли яккахон хонандалардан ташқари фестивалда ўн бешдан зиёд гуруҳлар ҳам ўз дастурлари билан қатнашади. Энг иқтидорлилар фестиваль ғолиби сифатида катта саҳнага йўл олади.

Қамолот

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг саҳифаси

ТАДБИРЛАР

Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, фаровонлиги ва келажаги билимли, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодга боғлиқ экани ҳеч кимга сир эмас. Ёшларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этишда ўз-ўзини бошқаришни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор ва Сергели туман бўлимларининг ташаббуслари билан мактаблардаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилот етакчиси ва болалар ташкилоти раисларининг малакасини ошириш мақсадида бўлиб ўтган илмий-амалий семинар юқоридаги фикримизнинг далилидир.

МАЛАКАЛАРИ ОШДИ

Унда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва болалар ташкилоти ишини тўғри йўлга қўйиш, синф раҳбарлари «Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси — болалар ташкилоти ходимларининг малакасини оширишга катта аҳамият беришга эътибор қаратилди. Уч кун давомида семинар қатнашчиларига ёшлар билан ишлашни тобора такомиллаштириш мақсадида ўқув машғулотлари олиб борилди.

Синф раҳбарлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиси ва болалар ташкилоти раислари билан ҳамкорликдаги ишни тўғри ва изчил ташкил эта билсалар тарбиявий ишлар самарадорлиги ортиб, етук инсонларни тарбиялашнинг имкониятлари кенгайиб бораверади.

Бахтиёр КАРИМОВ

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Ҳуқуқий маслаҳатхона очилди

Биз ҳуқуқий-демократик давлат қуриш йўлида олға бормоқдамиз. Бу борадаги ишларнинг самарали кечиши учун халқимизнинг ҳуқуқий онгини ўстиришимиз даркор.

Шу мақсадда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар ва Миробод туман бўлимлари кенгашлари Тошкент Давлат юридик институти билан ҳамкорликда Миробод тумани ҳокимлигида бепул ҳуқуқий маслаҳатхона ташкил этдилар. Ушбу ҳуқуқий маслаҳатхонани ташкил этишдан мақсад фуқароларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини танитиш, шунга қараб иш юритишни ўргатишдир. Маслаҳатхоналарда Тошкент Давлат юридик институтининг III ва IV босқич талабалари — бўлажак ҳуқуқшунослар фаолият олиб борадилар.

Бу бепул ҳуқуқий маслаҳатхона ҳар ҳафтанинг душанба куни аҳолига хизмат кўрсатишни режалаштирган.

Азиза ИЛҲОМОВА

ТАНЛОВЛАР

Энг яхши лойиҳалар рағбатлантирилади

Эркин бозор иқтисодиётида мамлакатимиз ривожида кичик ва ўрта бизнеснинг салмоғи катта. Шу маънода, кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ёш тадбиркорларнинг тажрибага эга бўлган ишбилармонлар билан фикр алмашишини амалга ошириш, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқарилишига кўмаклашиш, мамлакатимиз ёшларига кичик ва ўрта тадбиркорлик ҳақида тушунча бериш, уларнинг келажакда ўз касбининг моҳир устаси сифатида камол топиши ва хорижий инвесторларни жалб этишга эришиш жуда муҳимдир.

Яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимининг «Бунёдкор» ёшлар телеклубида худди шу мавзуга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Маълумки, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими «Ёшлар ташаббусини ривожлантириш» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида пойтахтда илк маротаба ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тижорат ва ижтимоий лойиҳа фикрлари бўлган барча тадбиркорлар, нодавлат, нотижорат ташкилотлар, давлат муассасалари ходимлари, талаба ва ўқувчилар учун «Ёшлар учун энг яхши лойиҳа» танловини эълон қилганди.

Йиғилишда иштирок этган фаол ёшлар, корхона ва ташкилотлар вакиллари ушбу танлов, унинг мазмун-моҳияти ҳақида тўлиқ маълумот олдилар, ўз фикрларини айтиб ўртоқлашдилар.

— Танлов ўз олдига қатор мақсадларни қўйган, — деди тадбирда сўз олган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими раиси Фурқат Маҳмудхўжаев. — Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, энг қизиқарли ва истиқболли ғояларни танлаш ҳамда аниқлаш, ёшлар учун янги иш жойларини ташкил қилиш, ташқи сармояларни жалб қилиш, ёшлар орасида ғоялар ва тажриба алмашинувини йўлга қўйиш, чет эллик ҳамкорларни излаш ва бошқалар шулар жумласидандир. Ушбу танловда энг яхши лойиҳа эгалари рағбатлантирилади ва ғолиб лойиҳа ижросини таъминлашга ёрдам кўрсатилади.

Ушбу танловда қатнашиш истагида бўлганлар «Бунёдкор» ёшлар телеклубига мурожаат қилишлари ва бу тўғрида тўлиқ маълумот олишлари мумкин.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Мақсад йўлидаги собитқадамлилик

Тошкент Давлат техника университетининг компьютер технологиялари факультети 3-курс талабаси Одил Ниқадамбоев ўзининг ойдин мақсадларига анча эрта қадам қўйди ва танлаган касбида, амалиётда муваффақиятларга эришаётган иқтидорли талабадир.

Одил жуда ёшлигиданоқ ўқишни ўрганди ва у иқтидорига қараб мактабнинг 2-синфига қабул қилинди.

У бошланғич синфларда ўқиб юрган вақтлардаёқ техникага ҳавас қўйди. Техникага оид мураккаб схемаларни эринмасдан тушунишга ҳаракат қилар, бир қатор асбобларни тузатиш қўлидан келар эди. У 10 ёшидаёқ компьютернинг ички тузилишини тушуна бошлади. 12 ёшида компьютер дастурларини ёзди. 14 ёшида юртимиздаги давлат ташкилотларининг бирига компьютер учун тузган дастури маъқулланди. Мактабда аъло баҳоларга ўқиди. Ўзи қизиққан йўналиш бўйича мактаб дастурлари билан қаноатланмади. Изланди. Қўшимча адабиётлар ўқиди. Ўз устида тинмай ишлаб, мустақил изланишларни такомиллаштириб борди. Бўш вақтларини фойдали ишлар билан банд қилишга ҳаракат қилди. Ватан учун керакли инсон бўлиб етишишга интилиш ёшлик куч-ғайратининг сафарбарлигини кучайтирди. Тошкент Давлат техника университетининг биринчи курсига эндигина кирган Одил 2000 йили Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасида ўтказилган «Йилнинг энг яхши дастурий маҳсулоти» танловига ўз ишини тақдим этди. Танловда ўз йўналиши бўйича биринчи ўрин ва бош совринга эга бўлди.

Университетда ҳам мактабдагидек муваффақият билан ўқий бошлади. Лекин бунинг ўзи бўлмайди. Профессор-ўқитувчилар маърузалари, амалий машғулотлар, кўплаб китобларни мутолаа қилиш, ўз устида ишлаш, иродани қўлга олиш, қолаверса оила ва университетдаги илмий муҳит уйғунлиги ҳам муҳим роль ўйнади.

Орадан кўп ўтмай қизиққан йўналиши бўйича яна ўзини синаш имконияти туғилди. Ўқишларини бўшаштирмаган ҳолда 2001 йил 15 мартда Тошкентда ўтган «INTERNET UZ» биринчи миллий интернет фестивалида қатнашди. Истеъдодли мутахассисларнинг фаоллигини ошириб, интернетни Ўзбекистонда янада оммалаштиришга хизмат қилган бу фестивалга 17 йўналиш бўйича муаллифларнинг 213 та иши тавсия қилинганлигини ҳисобга олсак беллашувда қай даражада рақобат бўлганлигини кўришимиз мумкин. Ҳакамлар ҳайъати қарорига биноан Одил Ниқадамбоев — «Энг яхши ёш дастурчи» йўналиши бўйича «Vouage.Uz» дастури учун ғолиб деб топилди.

Ўтган ўқув йилининг ўрталарида техника университетининг бир гуруҳ иқтидорли талабаларининг эришган ютуқлари ҳақида хушхабарлар тарқалди. Японияннинг «Сумитомо Корпорэйшн» фирмаси стипендиясини олиш учун фирма экспертлари мулоқоти асосида ташкил қилинган танловда қатнашиб, улардан 9 таси бу стипендияга лойиқ деб топилган ва улар орасида Одил Ниқадамбоев ҳам бор эди. Бу муваффақиятда Одилнинг Япония мактаб ўқувчиларининг математика бўйича билимларини баҳолаш ва тренинги тизимини яратганлиги ҳам қўл келди. Шуни ҳам айтиш керакки, Одил ишлаб чиққан дастурлар ҳозирда Америка Қўшма Штатларида, Россияда ҳам қўлланилмоқда.

Одил Ниқадамбоев ўзининг компьютер технологиялари соҳасидаги бор билимини университетдаги ўқитувчилари томонидан берилаётган назарий билимлар, ўз устида мустақил ишлаш билан бойитмоқда. У кутубхоналардаги адабиётлар билан кифояланиб қолмасдан инглиз ва рус тилларини яхши билганлиги учун интернет тармоғи орқали хорижий адабиётлардан ҳам фойдаланмоқда. Олган билимларини амалиётда ҳам қўллаб, ўқиш билан ишни бирга олиб бормоқда. У Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида шўъба мудири вазифасини ҳам бажармоқда. 2001-2002-йилларда Одилнинг университетда ўқиб юрган вақтларида «Веб-сайтларни қўллаб қувватлаш ва ишлаб чиқишнинг ҳозирги замон технологияси таҳлили», «Веб-сайт самарадорлигини аниқлаш методи», «Компьютер дастурларини ишлаб чиқиш ва интернет тармоқларидан фойдаланиш тажрибасидан», «Компьютер таълим тизимини такомиллаштиришнинг баъзи бир усуллари ва ўқувчилар билимини тест воситасида синаш» каби мақолалари илмий тўпламларда чоп этилди. Университетда Ёшларнинг Беруний академияси Раёсати ҳамда академиянинг «Техника юлдуз»лари журналининг таҳририяти аъзоси.

Беруний академияси раҳбари, техника фанлари доктори, профессор Карима Норқулова унинг фаол ишлаётганлиги, ўз вазифасига масъулият билан қарайдиган иқтидорли талаба эканлигини таъкидлаган ҳолда шундай тавсиф беради:

«Одил келгусида таълим, маданий муассасалар, ишлаб чиқаришда компьютерларни қўллаш билан боғлиқ соҳаларнинг ривожланишига ва компьютер технологиялари соҳасида ёш мутахассисларни тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшмоқчи».

—Ҳозирги вақтда ахборот технологияларининг ривожланиши, — дейди Одил Ниқадамбоев, — жамиятимиз иқтисодий ривожига катта таъсир кўрсатади. XXI аср ахборот технологиялари асри ва бу соҳада биз ёшларнинг ҳиссамиз катта бўлиши ва шунга қараб ҳаракат қилишимиз керак. Компьютерлар учун дастур ёзилмас, кадрлар етишиб чиқмас экан, у жонсиз темир бўлиб қолади. Биз ёш дастурчилар ахборот технологиялари, айниқса интернет воситасида кўп ишлар қилишимиз мумкин.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Атроф-муҳит тозалиги инсон саломатлиги учун муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда ёшларимиз онгига ушбу жиҳатларни сингдириш, уларни табиат билан ошно этиш асосий вазифалардандир.

Ҳамза тумани Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан 5-бизнес мактабида ўтказилган тадбир ҳам юқоридаги мақсадни кўзлаб амалга оширилди.

Озодалик — саломатлик гарови

«Экология ва ёшлар» мавзусида бўлиб ўтган тадбирда Тошкент шаҳар «Экосан» жамғармасининг бош директори Шоира Ибрагимова ёшларга энг аввало ўзлари яшаб турган ҳудудни тоза сақлашлари, туманда ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этишлари кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, тадбирда ўқувчилар томонидан тайёрланган экология, атроф-муҳит кўринишлари акс этган кўргазмали плакатлар намойиши йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

Орзугул РУСТАМОВА

Душанба 14

Телетомошабинлар диққатига!

Профилактика муносабати билан душанба, 14 октябр куни «Ўзбекистон» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Таҳлилнома».
15.45 ТВ анонс.
15.50 «Ошин». Телесериал.
16.20 «Тўртинчи ҳокимият».
16.40 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.

«Болалар сайёраси»:
17.00 1. Саньат қуночалари. 2. «Олтин тоҳ». Телевизион ўйин.
18.10 «Олов – тилсиз ёв».
18.30 Мусиқий танаффус.
18.45 «Мулк».
19.00 «Аския».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қўшиғимиз сизга армуғон».
21.25 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор ўй».
21.45 «Гиёҳвандлик - аср вабоси».
22.05 Теннис бўйича Осиё чемпионати.
23.05 «Марсия». Телесериал.
23.55 «Ахборот-дайжест».
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

Профилактика муносабати билан душанба, 14 октябр куни «Ёшлар» телеканали кўрсатувлари соат 15.55 бошланади.

15.55 Кўрсатувлар дастури.
16.00 «Давр». Ҳафта ичида.
16.30 Кўҳна оҳанглар.
16.40 «Янги авлод» почтаси, «Дунё ва болалар».
17.10 «Покахонтас». Мультсериал. 1-қисм.
17.35 ТВ-анонс.
17.40 Спорт ҳафтаномаси.
17.55 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан.
«Озод элим - ойдин йўлим» кўрик-танлови: Самарқанд телерадиокомпанияси тақдим этади.
18.25 Тафаккур ёлқинлари.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.55 «Озод юрт фарзандлари» Видеофильм.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 Севги тароналари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.55 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Гросс поинт». 6-қисм.
17.40, 19.10, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.00 Болажонлар экрани. «Астерикснинг 12 жасорати». 1-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.30 «Спорт ва болалар».
19.45 «Аёл қалби».
19.55 «Жозиба».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Avto-news».
22.35 Кинонигох. «Уйғониш даврининг вакили».
00.35-00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Вести».
17.05 «Евроньюс» янгиликлари.
17.20 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Мени кутгил».
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.00 «Время».
20.40 «Каменская». Сериал.
21.30 «Сочинч».
21.45 «Муҳаббат даври». Сериал (сўнгги серия)
22.35 «Юлдузлар фабрикаси».
23.00 «Ахборот» (рус тилида)
23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

16.55 гача профилактика ишлари.

16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 Шоу соати.
17.40, 20.45 «Телехамкор».
18.00 «Кўрсичқон 2». Сериал.
18.55 "Ошиқона". Мусиқий дастур.
19.10 «30-канал» киноокшоми: "Эчки" операцияси».
21.05 "Клип-совга". Телетабриқнома.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.30 «30-канал» киноокшоми: "Қиёфасиз одам".
23.15 «30-канал»да спорт.

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Новости
8.15 «Семейные узы». Сериал
9.10 Что? Где? Когда?
10.40 Детский сериал «Твинисы»
11.15 Супербоевик «Годзилла»
13.45 Ералаш
14.15 Фильм «Фантастическое путешествие»
16.00 «Большая стирка»
17.20 «Шутка за шуткой».
18.00 Жди меня
19.00 «Кто хочет стать миллионером?» Телеигра
20.00 Время
20.40 Детектив «Дронго» (закл.)
21.45 Фильм «Время любить» (закл.)
22.35 «Фабрика звезд»
23.00 «Другое время».
23.40 «На футболе»
24.10 Русский экстрим

3.45 - 6.45 «Доброе утро, Россия!».
6.45 Фильм«Такер. человек и его мечта».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.20 ВЕСТИ.
9.20 ВЕСТИ-СПОРТ.
9.25 Ток- шоу «Цена успеха».
10.20 «В «Городке».
10.25 ВЕСТИ НЕДЕЛИ.
11.30, 16.20, 18.35 ВЕСТИ-МОСКВА.
12.25 «Что хочет женщина».
13.20 «Семнадцать мгновений весны». Сериал.
14.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
15.20 Телесериал «Дикий ангел. Возвращение».
16.50 Сериал «Воровка. Счастье напрокат».
17.50 Спокойной ночи, малыши!
18.55 Сериал «Бригада».
20.05 Детективный сериал «Линия защиты».
21.35 «Культурная революция».
22.35 «Синемания».
23.05 «Дорожный патруль».

5.05 - 7.40 УТРО на НТВ
8.00 «РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ»
8.35 «ВЫ БУДЕТЕ СМЕЯТЬСЯ!»
9.00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
9.25 «НАМЕДНИ»
11.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00 «СЕГОДНЯ»
11.05 Комедия «ЛАНДЫШ СЕРЕБРИСТЫЙ»
12.50 КРИМИНАЛ
13.05 «ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД»
13.40 Детектив «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО»
14.35 «ПРИНЦИП ДОМИНО»
15.55 Боевик. «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ».
17.05 «ВНИМАНИЕ. РОЗЫСК!»
18.35, 22.40 Детектив «КРОТ»
19.45 Сериал. «ДАЛЬНОБОЙЩИКИ».
21.00 «СЕГОДНЯ ВЕЧЕРОМ»
21.35 Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ».
23.45 ГОРДОН

7.30 «Победоносный голос верующего».
8.00 Мультсериал «Ураганчики».
8.30 Мультсериал «Мумии возвращаются».
9.00 Х/ф «ПРОЩЕНИЕ».
11.00 Х/ф «ИСПАНСКАЯ АКТРИСА ДЛЯ РУССКОГО МИНИСТРА».
13.30 Телесериал «АМАЗОНКА».
14.30 Х/ф «СУПЕРМОЗГ».
17.00 Х/ф «РЕБРО АДАМА».
18.30 Телесериал «МЭДИСОН».
19.00 Телесериал «АМАЗОНКА».
20.00 Х/ф «ИГРУШКА».
22.00 Х/ф «КОНЕЧНАЯ ОСТАНОВКА».
24.00 Если хочешь быть здоров.
24.30 Х/ф «ПОД МАСКОЙ БЕРКУТА».

7.30 «Шерше ля ФАН». Музыкально-развлекательная программа.
8.00, 18.05 «Fox Kids» на REN TV»: «Мир Бобби». Мультсериал.
8.30, 17.35 «Fox Kids» на REN TV: «ПАУЭР РЕЙНДЖЕРС, ИЛИ МОГУЧИЕ РЕЙНДЖЕРЫ». Телесериал.
9.00, 17.05 «Fox Kids» на REN TV: «Жизнь с Луи». Мультсериал.
9.30, 16.35 «Fox Kids» на REN TV: «Человек-паук». Мультсериал.
10.00 Мир спорта глазами «Жиллетт».
10.30, 14.30, 18.30, 22.30 «24». Информационная программа.
10.50 «Кино»: «БОЛЕВОЙ ПРИЕМ».
12.45 «1/52». Спортивное обозрение.
13.30 «ЯГО, ТЕМНАЯ СТРАСТЬ». Теленовелла.
14.50 Черный ящик.
15.20, 20.55 «КАМЕНСКАЯ». Телесериал.
18.50 «Семейные страсти». Ток-шоу.
22.05 «Футурама». Мультсерия.
23.00 «Русское чудо». Реальное кино.
По окончании: «Кино»: «АРАХНИД».

Время -1 час
6.00 Сериал «ЛЕТО НАШЕЙ ТАЙНЫ».
6.50, 12.15 Мультсериал «Рэдволл».
7.15, 12.40 Мультсериал «Черепашки Ниндзя».
7.40, 13.00 Сериал для подростков «МАУГЛИ».
8.05 Программа «Истории океанов».
8.30 «Черная» комедия «НЕПРИДУМАННЫЕ ИСТОРИИ».
9.00 Детективный сериал «МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ: ФРАНКФУРТ».
10.40, 14.45 Шоу «О, Счастливчик!»
11.15 Сериал «ПЕРВАЯ ВОЛНА».
13.30 Сериал «ЛУС-МАРИЯ».
14.30, 23.45 Наши песни.
15.30, 19.30, 00.45 «Окна».
16.30 Комедия. «МЕЛОЧЕВКА».
18.30 Сериал «ВЕСЕЛАЯ СЕМЕЙКА ТВИСТ».
19.00 «Всегда готовь!»
20.30 Сегодняшко.
21.30 «Большое кино». «ТЕНЬ».
23.45 Наши песни.
0.00 «Империя страсти».

Профилактика до 19.00.
19.00, 23.00, 1.10 События.
19.15 «Антимония».
19.55 «МОЯ ДОРОГАЯ ИЗАБЕЛЬ». Телесериал.
20.35 Будьте здоровы!
20.50 Пять минут деловой Москвы.
21.00 Детектив. «РАЗОРВАННЫЙ КРУГ».
23.45 Особая папка.
24.20 Времечко.
24.50 Петровка, 38.
1.30 Русский век.
2.05 Мир вокруг нас.
2.35 Дневник V Евразийского телефорума.

Сешанба 15

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 Болалар учун. «Камалак».
9.40 «Соғлом она - соғлом бола».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мулк».
10.20 «Рангин дунё».
10.40 «Фарзанд - умид юлдузи».
11.00 Теннис бўйича Осиё чемпионати.
13.00 «Париси бор ўй».
13.20 «Олтин дала». Пахтакорлар учун дам олиш дастури.
14.10 «КиноТеатр».
14.30 Тэквандо бўйича Ўзбекистон кубоги.
14.50 Кундузги сеанс: «Бошсиз чавандоз». Бадиий фильм.
16.20 «Тарих кўзгуси». 3-қисм.
16.40 Мусиқий танаффус.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуси».
18.30 «Инсон ва қонун».
18.50 «Куйла, ёшлигим».
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Саньат усталарининг концерти.
21.25 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал.
21.55 «Дунёқараш».
22.10 Теннис бўйича Осиё чемпионати.
22.50 «Мувозанат».
23.10 «Ахборот-дайжест».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» почтаси, «Дунё ва болалар».
9.45 «Покахонтас». Мультсериал. 1-қисм.
10.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.20 ТВ-анонс.
10.25 «Эсмеральда». Телесериал.
10.55 Бизнес-академия.
11.10 Жаҳон журнафияси.
12.00 Кўли гул уста.
12.20 «Доктор Финли». Телесериал.
13.10 Ёшлар овози.
13.30 Кўҳна оҳанглар.
13.40 Интерфутбол.
15.20 Автосалтанат.
15.35 «Эрталар тарк этган дарё». Бадиий фильм.
16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55 «Янги авлод» студияси: «Ҳамма нарсани билишни истайман», болалар учун концерт.
17.25 «Покахонтас». Мульсериал. 2-қисм.
17.50 Таянч.
18.10 ТВ-анонс.
18.15 Автопатруль.
18.35 «Тараддуд». Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Давр-интервью.
20.05 Марди майдон.
20.25 Ёшлик наволари.
20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар
20.50 «Эсмеральда». Телесериал.
21.25 Ёшлар овози.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Нокаут.
23.35 Давр.
23.50 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
00.15-00.20 Хайрли тун!

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Гросс поинт». 7-қисм.
17.40, 19.20, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.00 Болажонлар экрани. «Астерикснинг 12 жасорати». 2-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Туризм ҳақида».
19.40 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 Мумтоз наволар.
22.45 Кинонигох. «Сирлар».
00.15-00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

Биринчи канал 6.30-8.00

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Вести».
17.05 «Евроньюс» янгиликлари.
17.20 Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси.
18.00 «Оқилавий ришталар». Сериал.
19.00 «Сўнгги қаҳрамон-2». «Ок ва қора».
20.00 «Время».
20.40 «Каменская». Сериал.
21.30 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
21.40 Премьера. «Адольф Гитлер. Бир томонлама чиптаж. Ҳужжатли фильм. 1-қисм.
22.30 «Юлдузлар фабрикаси».
23.00 Ахборот (рус тилида)
23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!».

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор».
9.30 Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнжерс ёки кучли рейнжерлар» Сериал.
10.40 Ҳужжатли фильм.
11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал.
10.50 «Муносиб ҳуфтлик». Сериал.
13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал.
15.00 Кундузги кинозал. «Магдаленанинг сокин эҳтиросларн». Телесериал.
15.50 "30-канал"да спорт.
16.50 Шоу соати.
18.00 «Кўрсичқон 2». Сериал.
18.55 "Ошиқона". Мусиқий дастур.
19.10 «30-канал» киноокшоми: «Самум» операцияси».
21.05 "Клип-совга". Телетабриқнома.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.30 «30-канал» киноокшоми: «Портлатувчи».
23.15 Рестлинг титанлари.

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Новости
8.15 Жди меня
9.10 Многосерийный фильм «Сердца трех».
10.20, 22.30 «Фабрика звезд»
10.35 Дискей-клуб. «Перемена»
11.15 Детектив «Бабочка в серых тонах»
13.05 Фильм «Время любить»
14.15 Док.детектив. «Черный передел».
14.50 Детектив «Дронго»
16.00 «Большая стирка»
17.20 Смехопанорама
18.00 «Семейные узы» Сериал
19.00 «Последний герой-2».
20.00 Время
20.40 Сериал «Спецназ». «Сломанная стрела»
21.40 Премьера. «Адольф Гитлер. Билет в одну сторону». Фильм 1-й
23.00 Ночное «Время»
23.15 Фильм «Сталин». Часть 1-я
24.25 Триллер «В темноте»

3.45 - 5.45 «Доброе утро, Россия!».
6.45, 18.55 Сериал «Бригада».
7.50, 20.05 Детективный сериал «Линия защиты».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.20 ВЕСТИ.
9.20 ВЕСТИ-СПОРТ.
9.25 Ток-шоу «Цена успеха».
10.25 «Комиссар Рекс». Телесериал.
11.30 «Колоссальное хозяйство».
11.45, 16.20, 18.35 ВЕСТИ-МОСКВА.
12.25 «Что хочет женщина».
13.20 Сериал «Семнадцать мгновений весны».
14.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
15.20 Телесериал «Дикий ангел. Возвращение».
16.50 Сериал «Воровка. Счастье напрокат».
17.50 Спокойной ночи, малыши!
21.35 ПОСЛЕДНИЙ СЕАНС. ПРЕМЬЕРА. «Инстинкт убийства».
23.25 «Дорожный патруль».

5.05 - 7.40 УТРО на НТВ
7.50, 19.45 Сериал «ДАЛЬНОБОЙЩИКИ»
9.00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
9.25 «НАЦИОНАЛЬНАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ. ПРОДАННЫЕ ЖИЗНИ»/ Расследование НТВ.
10.00, 11.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00 «СЕГОДНЯ»
10.05 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»
11.05 Фильм «ХРОНИКА ПИКИРУЮЩЕГО БОМБАРДИРОВЩИКА»
12.45 КРИМИНАЛ
13.05 «ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД»
13.40 Детектив «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО»
14.40 «ПРИНЦИП ДОМИНО»
15.55 ВКУСНЫЕ ИСТОРИИ
16.05, 21.35 Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ».
17.20 Документальная драма. «ПРЕСТУПЛЕНИЕ И НАКАЗАНИЕ»
18.35, 22.35 Детектив «КРОТ»
21.00 «СЕГОДНЯ ВЕЧЕРОМ»
23.45 ГОРДОН

7.30 «Победоносный голос верующего».
8.00 Мультсериал «Ураганчики».
8.30 Мультсериал «Мумии возвращаются».
9.00 Х/ф «ПОД МАСКОЙ БЕРКУТА».
11.00 Х/ф «НАЙТИ И УНИЧТОЖИТЬ».
13.20 С благодарностью госпоже Любе.
13.30 Телесериал «АМАЗОНКА».
14.30 Х/ф «ПРОЩЕНИЕ».
16.30 Х/ф «ИСПАНСКАЯ АКТРИСА ДЛЯ РУССКОГО МИНИСТРА».
18.30 Телесериал «МЭДИСОН».
19.00 Телесериал «АМАЗОНКА».
20.00 Х/ф «ДЕВЯТЬ ЯРДОВ».
22.00 Х/ф «МОЗГОВАЯ АТАКА».
24.00 Встреча с ясновидящей сударыней Анной.
24.20 Лилиана. Энергия добра.
24.30 Х/ф «КОНЕЧНАЯ ОСТАНОВКА».

7.30 «Шерше ля ФАН». Музыкально-развлекательная программа.
8.00, 18.05 «Fox Kids» на REN TV»: «Мир Бобби». Мультсериал.
8.30, 17.35 «Fox Kids» на REN TV: «ПАУЭР РЕЙНДЖЕРС, ИЛИ МОГУЧИЕ РЕЙНДЖЕРЫ». Телесериал.
9.00, 17.05 «Fox Kids» на REN TV: «Жизнь с Луи». Мультсериал.
9.30, 16.35 «Fox Kids» на REN TV: «Человек-паук». Мультсериал.
10.00 «Под углом 23 с половиной». Документальный фильм.
10.30, 14.30, 18.30, 22.30 «24». Информационная программа.
10.50 «Кино»: «АРАХНИД».
13.30 «ЯГО, ТЕМНАЯ СТРАСТЬ». Теленовелла.
14.50 Футбольный курьер.
15.20, 20.55 «КАМЕНСКАЯ». Телесериал.
18.50 «Семейные страсти». Ток-шоу.
22.05 «Футурама». Мультсерия.
23.00 «Русское чудо». Реальное кино.
По окончании: «Кино»: «ГЕРКУЛЕС В НЬЮ-ЙОРКЕ».

Время -1 час
6.00 Сериал «ЛЕТО НАШЕЙ ТАЙНЫ».
6.50, 12.15 Мультсериал «Рэдволл».
7.15, 12.40 Мультсериал «Черепашки Ниндзя».
7.40, 13.00 Сериал для подростков «МАУГЛИ».
8.05 Программа «Истории океанов».
8.30 «Черная» комедия «НЕПРИДУМАННЫЕ ИСТОРИИ».
9.00 Детективный сериал «МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ: ФРАНКФУРТ».
10.40, 14.45 Шоу «О, Счастливчик!»
11.15 Сериал «ПЕРВАЯ ВОЛНА».
13.30 Сериал «ЛУС-МАРИЯ».
14.30, 23.45 Наши песни.
15.30, 19.30, 0.45 «Окна».
16.30 Фильм «ТЕНЬ».
18.30 Сериал «ВЕСЕЛАЯ СЕМЕЙКА ТВИСТ».
19.00 Телеигра «Поймы меня».
20.30 Сегодняшко.
21.30 Боевик. «НОЧНОЕ ВИДЕНИЕ».
0.00 «Империя страсти».

7.00 Канал «Настроение».
9.50 Газетный дождь.
10.05 «ЗАГАДОЧНАЯ ЖЕНЩИНА». Телесериал.
11.00 Эти странные музеи.
11.30 Мультфильм.
11.40 Войди в свой дом.
11.45 Телемагазин.
12.00, 15.00, 19.00, 23.00, 1.10 События.
12.15 Телеканал «Дата».
13.15 «Момент истины».
14.10, 00.50 Петровка, 38.
14.30 Деловая Москва.
15.15 «ИНСПЕКТОР ДЕРРИК». Криминальный телесериал.
16.20 Как добиться успеха.
16.30 «Полевая почта».
17.00 Регионы: прямая речь.
17.30 Ток-шоу «Без правил».
18.00 «Времена не выбирают». Многосерийный телефильм.
19.15 Детектив-шоу.
20.00 «МОЯ ДОРОГАЯ ИЗАБЕЛЬ». Телесериал.
20.50 Пять минут деловой Москвы.
21.00 Лицом к городу.
22.00 «Великая иллюзия». Программа.
23.40 Особое мнение.
23.50 Отдел «Х».
24.20 Времечко.
1.30 Серебряный диск.
1.45 Премьера. «БЕСКОНЕЧНЫЙ МИР ГЕРБЕРТА УЭЛЛСА». Телесериал.
2.40 «Синий троллейбус».
3.05 Дневник V Евразийского телефорума.

Чоршанба 16

1 TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 – 8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ўзбекистон табиати».
9.20 «Сўз сеҳри».
9.40 «Мувозанат».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 Болалар учун. «Флаванго».
10.45 «Тиббиёт одимлари».
11.00 Теннис бўйича Осиё чемпионати.
13.00 Санъат усталарининг концерти.
13.20 «Ошин». Телесериал.
13.50 ТВ клип.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.30 Кундузги сеанс: «Жадвалдан ташқари поезд». Бадиий фильм.
15.45 «Инсон ва қонун».
16.05 «Талабалик йилларим».
16.25 «Ягона оилада».
16.55 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Кичкинтоймиз-гиж-гиж-гиймиз». 2. «Кўвноқ шаҳарча». Телевизион ўйин.
18.10 «Ривож».
18.20 «Шум бола». Киножурнал.
18.30 «Умид». Телепоэтория.
19.00 «Мулк».
19.15 Бир жуфт қўшиқ.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма- юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ ва биз».
21.20 ТВ клип.
21.30 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.00 «Тарих қўзгуси». Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан. 4-қисм.
22.20 Теннис бўйича Осиё чемпионати.
23.00 «Ахборот -дайжест».
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Ҳамма нарсани билишни истайман», болалар учун концерт.
9.45 «Покахонтас». Мульсериал. 2-қисм.
10.10 Давр-интервью.
10.25 Мусиқий лаҳзалар.
10.35 ТВ-анонс.
10.40 «Эсмеральда». Телесериал.
11.10 Таянч
11.30 Болалар экрани. «Боннифаций таъталда».
11.50 Одамлар орасида.
12.10 «Доктор Финли». Телесериал.
13.00 Ёшлар овози.
13.20 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
14.00 «Тараддуд». Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан.
14.10 Кўҳна оханглар.
14.25 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.15 Автопатруль.
15.35 «Дил». Бадиий фильм. 1-қисм.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Келинг, танишайлик».
17.30 «Покахонтас». Мультсериал. 3-қисм.
17.55 ТВ-анонс.
18.00 Кутқарув «050».
18.10 Чемпион сирлари.
18.30 Каталог.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Сийрат.
20.00 Спортлото.
20.10 Очиқ дастурхон.
20.25 Муҳаббат қўшиқлари.
20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар
20.50 «Эсмеральда». Телесериал.
21.25 Ватан ҳақида қўшиқ.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.55 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!

ТВК

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Гросс поинт». 8-қисм.
17.40, 19.00, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.00 Мультфильм.
18.10 «Мусиқий меҳмонхона».
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
17.30 «ВОВОЧКА». Комедийный сериал.
18.05 «Fox Kids» на REN TV: «Непобедимый Спайдермен». Мультсериал.
18.40 «Fox Kids» на REN TV: «Вуншпунш». Мультсериал.
19.00 «Семейное кино»: «ОДИССЕЯ».
20.30 «Кино»: «МИССИС ДАУТФАЙР».
23.30 «Кино»: «ЧЕЛОВЕК, КОТОРОГО НЕ БЫЛО».
2.25 «СЕКРЕТНЫЕ МАТЕРИАЛЫ». Телесериал.
3.25 Ночной музыкальный канал.

ТНТ

Время - 1 час
7.00 Мультфильм.
7.30 Программа «Неизвестная планета».
7.50 Детектив. «АЛМАЗЫ ШАХА».
10.00 Доксериал «Путешествия с Национальным Географическим Обществом».
11.00 Доксериал «Час Дискавери».
12.05 Сериал для подростков «ВЕСЕЛАЯ СЕМЕЙКА ТВИСТ».
12.30 Сериал «ПЕРВАЯ ВОЛНА».
13.30 Телеигра «Пойми меня».
14.00 Спортивный канал.
17.30, 3.45 Детективный сериал «ДИАГНОЗ: УБИЙСТВО».
18.30 «Большая терка».
19.30 Развлекательное шоу «Игра с Фоменко».
20.00 Развлекательное шоу «Старые «Куклы» о главном».
20.30, 2.55 Шоу «Титаны рестлинга на ТНТ».
21.30 Приключенческий сериал «СЕМНАДЦАТЬ МГНОВЕНИЙ ВЕСНЫ».
0.25 Премьера. Триллер. «СМЕРТЕЛЬНАЯ НЕЖНОСТЬ».

ТВЦ

8.10 «Москва на все времена». Док.сериал.
8.35 «Отчего, почему?»
9.30 АБВГДейка.
10.00, 16.50 Мультпарад.
10.45 «Полевая почта».
11.15 Наш сад.
11.35 Лакомый кусочек.
12.00 Московская неделя.
12.30 Звезда автострады.
12.45 «ВЗРОСЛЫЕ ДЕТИ». Комедия.
14.00 «Наука дальних странствий».
15.00, 23.45 События.
15.15 «Алфавит». Телеигра.
15.55 «21-й кабинет».
16.25 «УДИВИТЕЛЬНЫЙ МИР ЖИВОТНЫХ». Телесериал.
17.15 «Репортер».
17.30 Детектив-шоу.
18.15 «ЧИСТО АНГЛИЙСКОЕ УБИЙСТВО». Телесериал.
20.05 Премьера. «Клуб ворчунов». Юмористическая программа.
21.00 «Момент истины».
22.05 «ОДИН И БЕЗ ОРУЖИЯ». Художественный фильм.
23.55 Чемпионат мира по шоссейно-кольцевым мотогонкам.
1.05 Программа «Деликатесы».
1.40 Серебряный диск.

ДИҚҚАТ, ВИКТОРИНА!

«Теннис ҳақида нима биласиз?»

Яқин кунларда шаҳримизда теннис бўйича Осиё чемпионати ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон теннис федерацияси ҳамда «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ҳамкорликда «Осиё теннриси ҳақида нима биласиз?» мавзусидаги викторинани ташкил этмоқда.

Викторинамиз шартлари оддий — фақат бештагина саволга жавоб топиш керак бўлади. Улар қуйидагича:

1) Қаерда ва қачон теннис бўйича биринчи Осиё чемпионати ўтказилган?

2) Ўзбекистон Халқаро теннис федерацияси таркибига қачон кирган?

3) Осиё чемпионати ғолиби қайси турнир «Wild kard»ини олишга муваффақ бўлади?

4) 2001 йилги Осиё чемпионатининг ғолиби ким бўлган?

5) Тошкентда ўтказиладиган чемпионат ғолибини аниқлашга уриниб кўринг (аёллар ва эркаклар ўртасида)

Муҳтарам газетхонлар, сизларга кичкина бир сирни ошкор қилмоқчимиз. Агарда спорт оламига оид чоп этилаётган мақолаларни кузатиб борсангиз, осонгина ғолибликни қўлга киритишингиз мумкин.

Газетамиз саҳифаларида ўзингизни синаб кўринг ва сизни Ўзбекистон теннис федерациясининг ажойиб совғаси кутмоқда. Лекин бу ҳақда кейинги сонларда хабар берамиз. Газетамизни кузатиб боринг.

Жавобларингизни 18 октябрга қадар қуйидаги манзилга жўнатинг: Матбуотчилар кўчаси, 32, 2-қават, 222-хона, телефон: 133-99-42

Тошкент шаҳар ҳокимияти Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси департаменти
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими
Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари Кенгаши

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

ТАНЛОВ

Ҳурматли умумий овқатланиш соҳасининг пазандалари!

Умумий овқатланиш соҳаси пазандаларининг маҳорат даражасини ошириш мақсадида 2002 йил 5-9 ноябрь кунлари Тошкент шаҳридаги «Шератон» ресторанида умумий овқатланиш соҳаси мутахассисларининг иккинчи шаҳар кўрик-танлови ўтказилади.

Танлов ғолиблари мукофотлар ва Европа мамлакатларида ўтказиладиган моҳир ошпазларнинг умумжаҳон олимпиадасига йўлланма билан тақдирланади.

Танловда иштирок этмоқчи бўлган Республика вилоятлари ва Тошкент шаҳри мутахассисларидан аризалар 2002 йил 26 октябргача Ташкилий қўмитада қабул қилинади.

Танлов шарти: танлов иштирокчиларининг ёши 18-45 ёш ва ундан юқори бўлиши керак.

Манзил: Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй, Тошкент шаҳар Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси департаменти, 34-хона.

Тел: 133-79-17, 136-00-89.

Бектемир туман Меҳнат бўлими 2002 йил 17 октябрь куни бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар

ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ

Ярмаркада сиз ишга, шунингдек қисқа муддатли курсларда ўқиш учун йўлланма олишингиз мумкин. Курслардаги ўқиш пайтида стипендия тўланади. Ярмаркада барча хизматлар бепул кўрсатилади.

Ярмарка Бектемир туман «Тошкент қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори» ҳудудида соат 10.00 да бошланади».

«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турган

— «Д» категорияли автобус ҳайдовчиларини (ўртача иш ҳақи 70000 сўм),
— трамвай ҳайдовчиларини (ўртача иш ҳақи 65000 сўм),
— троллейбус ҳайдовчиларини (ўртача иш ҳақи 50000 сўм),
— кондукторларни (ўртача иш ҳақи 40000 сўм)

уюшма корхоналарига

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Автокорхоналар манзили:

1-Автокорхона — З.Шамсуддинов кўчаси, 3-уй, тел.90-00-14
2-Автобус саройи — Паркент кўчаси, 283-уй, тел. 96-32-60
3-Автобус саройи — Мирпўлатов кўчаси, 57-уй, тел. 48-24-27
4-Автобус саройи — Чоштепа кўчаси, 27-уй,тел. 50-01-67
5-Автокорхона — Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Бордонкўл қишлоғи (Роҳат кўли яқинида) тел. 96-82-02
7-Автокорхона — Халқлар Дўстлиги кўчаси, 49-уй, тел. 79-95-34
8-Автобус саройи — Муродов кўчаси, 7-уй, тел. 24-05-10
12-Автобус саройи — Спутник даҳаси, 12-мавзе, тел. 58-37-47
18-Автобус саройи — Тошкент ҳалқа йўли, Саноат ҳудуди, 8-а уй, тел. 47-03-36
2519-Автокорхона — Иркутск кўчаси, 20-уй, тел. 65-98-40

Трамвай ва троллейбус деполари манзили:

2-Трамвай депоси — Лутфий кўчаси, 57-уй, тел. 72-81-75
2-Троллейбус депоси — Арнасой кўчаси, 4-уй, тел. 53-75-25
3-Трамвай-троллейбус депоси — Темур Малик кўчаси, 3-уй, тел. 63-28-97

«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси қошидаги ўқув ишлаб чиқариш марказида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда автобус, трамвай ва троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлаш курслари мавжуд.

Ўқув ишлаб чиқариш марказининг манзили — А.Фитрат кўчаси, 180-а уй, тел. 93-18-97.

Автобус, трамвай ва троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлаш курсларига 21 ёшга тўлганлар қабул қилинади.

Автобус ҳайдовчиси касбига ўқиш муддати — 6 ой.
Трамвай ҳайдовчиси касбига ўқиш муддати — 5 ой.
Троллейбус ҳайдовчиси касбига ўқиш муддати — 6 ой.

«ВС» тоифадаги ҳайдовчиларни автобус, трамвай ва троллейбус ҳайдовчиси касбига қайта тайёрлаш муддати — 2,5 ой.

2002 йили Лутфулла Убайдуллаевич Нигматуллаев номига берилган №0115245 рақамли хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

2001 йили Маҳмуд Баҳромович Пўлатов номига берилган №0517069 рақамли хусусий тадбиркорлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Тошшаҳарқўктранс» уюшмасининг жамоаси уюшма бошқаруви раиси Азимжон Болтаевич Исамуҳамедовнинг падари бузруквори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фармацевт, II жаҳон уруши қатнашчиси

Болтабой отанинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради

Сўранг, жавоб берамиз

Кизимнинг турмуш ўртоғи болаликдан II-гуруҳ ногиронлиги бўйича пенсия олиб турарди. Шу йили у вафот этди. Кизим бир нафар фарзанди билан қолди. Набирамга 2300 сўм микдорида нафақа тайинланди. Шу тўғрими? Куёвимнинг олдинги оиласидан ҳам 2 нафар фарзанди бор эди. Бокувчисини йўқотганлик пенсияси қандай тартибда ҳисоблаб чиқилади? Олдинги оиласи борлиги пенсия микдорига таъсир этадими?

М.Усмонова.

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни бўйича вафот этган шахснинг меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига бокувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлашда унинг микдори мархумнинг олдинги меҳнат стажининг давомийлиги ҳамда ўртача ойлик иш ҳақининг микдорига боғлиқ бўлади. Шахснинг вафот этган вақтидаги ёшига қараб, белгиланган тартибда иш стажи талаб қилинади. Масалан, қанча ёш бўлса, иш стажи шунча кам талаб қилинади. Чунончи, 23 ёшга қадар 2 йил, 23-26 ёшга қадар 3, 26-31 ёшгача 5, 31-36 ёшгача 7, 36-41 ёшга қадар 9, 41-46 ёшгача 11, 46-51 ёшгача 14, 51-56 ёшга қадар 17 йил, 56 ёш ва ундан ошганда 20 йил иш стажи ва ҳоказо.

Юқоридаги Қонуннинг 27-моддасида иш стажи учун пенсияларнинг оширилиши белгиланган. Бунга кўра, тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиган ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун бокувчисини йўқотганлик пенсиялари оиланинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир оила аъзосига — бокувчининг ўртача ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи микдорида оширилиши таъкидлаб ўтилган.

Қонуннинг 26-моддасида пенсияларнинг таянч микдорлари белгиланган. Бунга кўра оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига бокувчисини йўқотганлик пенсияси учун пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин энг кам пенсиянинг 50 фоизидан кам бўлмаган микдорда белгиланиши назарда тутилган.

Бокувчисини йўқотганлик бўйича пенсия тайинланишида вафот этган шахснинг олдинги оиласида ҳам меҳнатга лаёқатсиз фарзандлари борлиги пенсия микдорига салбий таъсир кўрсатмайди. Чунки оиланинг пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган барча аъзоларига бир хил умумий пенсия тайинланади ҳамда оила аъзоларининг талаби билан унинг пенсиядаги улуши ажратилиб, алоҳида тўланади.

* * *

Эр-хотиндан бирининг аризаси бўйича фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратиш мумкинми?

Ф.Саломова.

Агар эр-хотиндан бири:

суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан махрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра улар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратилади.

Агар болалар ҳақида, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкини бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса, улар никоҳдан суд тартибида ажратилади.

* * *

1992 йили чиқарилган Ўзбекистон Республикаси «Давлат ички ютуқ заёми» лотереясини сотиб олган эдим. У музлатилган, яъни тўловга қабул қилинмайди. Айтингчи, бу лотерея қачон ўйналади?

Б.Каримов.

«Давлат ички ютуқ заёми» лотереясининг қачон ўйнолиши масаласи Ўзбекистон Республикаси ҳукумати (Вазирлар Маҳкамаси) томонидан кўриб чиқилмоқда. Ушбу масала яқин вақтлар ичида ҳал қилиниши кўзда тутилмоқда.

* * *

Ақл тиши қачон чиқади? Айримлар 10 ёшдан кейин, баъзилар 18 ёшдан кейин чиқади, дейишади.

Ҳ.Абдусаматова.

Бола ўн олти ёшга етганда одатда доимий тишларининг ҳаммаси чиқиб бўлади. Учинчи тишлар (ақл тишлар) кечроқ, 18-25 ёшда пайдо бўлади. Ақл тишлари одам баркамол бўлиб, етарлича ақли тўлган ёшда чиқади. Шунинг учун ҳам улар ақл тишлари деб юритилади.

Хурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Қадрласанг, қадринг ошади

Бир яхши гап, бир ёмон гап тез тарқалади. Кечқурун уйга келсам аёлим:

— Бобоси, эшитдингизми қўшнимиз Манзура бувининг келини Зебохон эрталаб аразлаб уйига кетиб қолибди, — деди бироз тушкун кайфиятда.

— Бинойидек келинга кимнинг кўзи тегди экан?

— Билмадим, назаримда Манзура буви тушмагур аччиқ-араз билан келинини ранжитиб қўйган бўлса керак.

— Ёши анча жойга бориб қолган бўлса ҳам забти тезлигини ташламадида шу кампир. Тавба, бурнининг учида туради-да.

— Ўзи тез бўлгани билан беозор. Пов этиб ёнади-ю пов этиб ўчади. Энди нима қилсин. Қон билан кирган жон билан чиқадида, отаси.

Шундай гап-сўз билан кечки дастурхонга ўтирган эдик, шу тобда кутилмаганда эшик тақиллаб Зебохоннинг қайлиғи Фозилжон ийманибгина кириб келди ҳовлимизга.

Кел-кел, чароғим, қани бу ёққа чиқ.«Яхши меҳмон ош устига» деб бежиз айтмайдиларда.

— Кечирасиз, отахон бемаврид безовта қилдим.

— Нега ундай дейсан бўтам, одам одамга ғанимат. Қани ўтирчи гаплашайлик.

Фозилжон қистовим билан айвон чеккасидан жой олди.

— Хизмат ўғлим...

— Ишдан келсам ойим йиғлаб ўтирибдилар. «Ҳа, тинчликми» десам, «Зебохон уйига кетиб қолди. Бориб тез олиб кел келинимни» дедилар.

— Орадан яхши-ёмон гап ўтгандирда.

— Айтишларига қараганда арзимаган гап. Ойимлани одатини биласиз. Бунинг устига қаричилик. Бироз майда гап бўлиб қолганлар. Зебохон ҳовлини супураётганда супириш акциядорлик жамияти ёнидаги савдо расталарининг биридан ўрин олган устахонага олиб бордик. Соатсоз бу-юртмани қўлига олиб кўздан кечирдида, унинг бир қанча механизмларини янгилаш кераклигини айтди. Рози бўлдик.

— Ҳақи қанча бўлади? — сўраймиз ундан.

— Уч минг сўм.

— Шунча пулга янги соат сотиб олиш мумкинку? Сал пастроқ тушинг,— илтимос оҳангида дедик устага.

— Бўлгани шу.

Устаси тушмагур айтган жойидан кесадиган хилидан чиқиб қолди. У билан тортишиб ўтириш бехуда эканлигини билиб айтганига кўндик.

— Бир ҳафтадан кейин олиб кетасиз, — деди у соатни бир четга суриб қўйиб.

— Сал олдинроқ келишнинг иложи йўқми?

— Йўқ, буюртмаларим кўп.

Айтилган муддатда устахонага бордик. Уста соатни қўлимизга тутқазар экан, уч ойлик кафолати борлигини айтди. Рахмат айтиб хайрлашдик. Афсуски бир ҳафта ўтар-ўтмас соатимизнинг бураш механизми тушиб кетди. Яна ўша устахонага югурдик. Соатсоз шикоятимизни тинглай туриб хизмат ҳақи 1,5 минг сўм бўлишини айтди. Бу гапдан ажабланиб унга кафолати борлигини эслатдик.

— Бу муддатнинг ушбу ишга алоқаси йўқ. Соатингизнинг ичига сув кирибди. Унинг қисмларини бошқатдан жойлаштириш керак.

Талашиб-тортишдик. Гап тушунтириб бўлмади устага. У айтганида туриб олди. Буюртмани қайтиб олиб уйга жўнадик. Орадан анча вақт ўтган бўлсада ҳали ҳам хайронликда юрибмиз. Аслида ким ҳақ ўзи? Устами ёки биз? Ахир бу ерда истеъмолчи ҳақ-ҳуқуқи деган гап ҳам борку. Бу ҳақда ўжар устага тушунтирадиганлар бордир ахир.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН.

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

пургини ундай ушланг, бундай ушланг, деб бўлар-бўлмас гап билан жонига тегибдилар. Бор гап шу.

— Хўш, энди нима қилмоқчисан?

— Ўзим борай десам отаси тушмагур тажанг. Бирор ножўя гап айтиб дилимни хира қилиб қўймасин дейман. Ойимларга: «Сиз боринг», десам: «Қай юз билан бораман келинимникига» деб ўтирибдилар. Ҳарқалай маҳаллада, кўча-кўйда обрўйинги бор. Ўзингиз бир иложини қилмасангиз бўлмайди ота. Шунга олдингизга чиқувдим.

— Эскиларда «Сен тинч, қўшнинг тинч» деган гап бор бўтам. Ҳарқалай яхши иш бўлмабди. Нима бўлганда ҳам темирни қизиғида босганимиз маъқул. Чилонзор қочиб кетибдими. Гир этиб борамиз, келамизда.

— Яшанг ота. Сиз тамадди қилиб олгунингизча мен машинани тайёрлаб турай бўлмаса...

Зебохони кўча бошида учратдик. Фозилжон машинани тўхтатиш билан у жилмайиб биз томонга келди. Салом-аликдан сўнг қизариб-бўзариб индамайгина машинага ўтирди. Назаримда шу тобда у ҳам қилмишидан пушаймон эди. Анча йўлгача жим бордик.

— Ҳа қизим, уйдагилар яхши эканми? — сўрайман мен ўртадаги жимликни бузиб.

— Раҳмат, сизларга салом деб юборишди, — деди ер остидан аста Фозилжонга қараб. Кейин қўшиб қўйди. — Кечки овқатга бироз ушланиб қолдим. Кечирасизда энди. Ойижонимни уринтириб қўймадиммикан ишқилиб.

Самимий айтилган сўзда бирор гина-кудурат нишони йўқ эди.

— Ҳеч нарса қилмайди. Шунақада келиннинг қадрига етади-да Манзура бувим тушмагур, — деб қўйдим мен гапни нишонга уриб.

— Вой, унақа деманг бобо. Ойижоним яхшилар. Қари одамнинг қадрига етиш, уларнинг дуосини олиш керак.

Фозилжон Зебохонга қараб жилмайиб қўйди. Ўртада ортиқча гапга ўрин қолмаган эди...

Манзура буви эшик олдида бизни қарши олди. Қайнона-келин худди узоқ вақт кўришмагандек бир-бирининг қучоғига отилди.

Ким ҳақ?

Бинойидек юриб турган қўл соатимиз орқада қола бошлади. Ўзимизча у ёк бу ёғини титкилаб кўрдик. Эплаштира олмадик. Соатсозликдан бироз хабари бор дўстимизга айтсак у соатни кўздан кечира туриб «Буни тузукроқ устага кўрсатиш керак», деб айтди. Унинг маслаҳати билан «Тошкент универмаги» супермаркети савдо ишлаб чиқа-

Қуш уясида кўрганини қилади

Бирлик даҳасида истиқомат қиладиган Аҳмаджон деган қадрдонимни йўқлаб уйига бордим. Эшик қўнғироғини босишим билан олти- етти яшар чамасидаги болакай югургилаб олдимга келди. Сўровимга:

— Бобом йўқ, адам ҳали ишдан келмадилар, дея шаҳдам жавоб берди. Шу тобда йўлакда пайдо бўлган ўрта ёшлардаги аёл —Аҳмаджоннинг келини мени таниб болага танбеҳ берди.

— Жиннивой нега унақа дейсан. Аданг уйдаларку, — кейин у менга юзланиб, — ичкарига киринг ота, нега бегоналардек остонада турибсиз. Бола-болада адаси ишдан қайтганини пайқамай қолган шекилли.

Келин «Ҳозир ўртоғингиз ҳам келиб қоладилар» дея мени қўярда-қўймай уйига бошлади. Айвонга киришимиз билан юмшоқ диванда ястаниб ётган Маҳамаджон бизни кўриб эринибгина ўрнидан қўзғалди.

— Эй ота, бормисиз.

Кўришдик. Шу тобда телефон жиринглади. Бояги болакай югургилаб бориб гўшакни кўтардида, бироз суқут сақлаб тургач бийрон тил билан: «Адам уйда йўқлар, ҳали ишдан келмадилар», деб жавоб берди.

Маҳамаджон менга қараб жилмайди.

—Бизни ҳимоячини кўрдингизми ота, биров сўраб келса ёки телефон қилса мени уриндиришни хоҳламай уларга ўзича адам йўқлар, деб жавоб бериб юбораверади.

Аслида менга ҳам жавоб эшик тагида теккан экану фавқулодда келин кўриб қолиб уйга кириб қолганимни шунда фаҳмладим. Ўрнимдан қўзғалган эдим Маҳамаджон: «Сиз ўзимизникисиз», деб турғизгани қўймади.

Бироз суҳбатлашиб ўтирдик. Бу орада яна бир бор эшик қўнғироғи, яна бир марта телефон жиринглади. Уларнинг ҳаммасига болакай одатдагидай: «Адам йўқлар», деган жавобни қилди. Сўнгги бор вазифасини адо этиб эшик томондан қайтаётганда Маҳамаджон ундан сўради.

— Ким экан?

— Одил ака сизни сўради.

— Ие, нега чақирмадинг мени. Унда зарур ишим бор эдику.

— Тунов куни қўшнимиз Юнус ака: «Зарур ишим бор» деганида бошлаб кирсам кетганидан кейин: «Нега адам йўқ демадинг», дея мени роса қулоқ чўзма қилдингизку. Яна шунақа бўлишидан кўрқдимда.

Маҳамаджон болани уриша кетди.

— Болада нима айб, — дедим уни юмшатиб. — Ахир «қуш уясида кўрганини қилади», деган мақолни эшитмаганмисан.

Маҳамаджон ўйланиб қолди. Мен эса уни ҳай-ҳайлашига қарамай хонадонни тарк этдим.

XIV ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА

Медаллар сони ортмоқда

КЕЧА

Жанубий Кореяда ўтаётган Осиё ўйинларида спортнинг айрим турлари бўйича мусобақалар якунланган бўлса, бошқаларида қизғин паллага кирди. Спортчиларимиз ҳам мусобақанинг бир нечта медалларини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар.

Энг умидли спортчиларимиздан бири, қатор нуфузли мусобақалар иштирокчиси оғир атлетика бўйича 105 килограммдан ошиқ вазнда куч синашган Игорь Халиловнинг олтин нишонларни қўлга киритиш учун барча имкониятлари мавжуд эди. Унинг эронлик Хусайн Ризозода билан баҳси қизиқарли кечди. Иккикураш якунларига кўра биринчи ўрин эронлик спортчига насиб этган бўлса Игорь Халилов 405 килограмм натижа билан қумуш нишонларни қўлга киритди.

Байдарка ва каноэда эшкак эшувчиларимиз Антон Ряхов ва Дмитрий Коваленкога бронза медаллар насиб этди.

Теннисчиларимизнинг ҳам муваффақиятли одимлари давом этмоқда.

Огородов ва Тўлагановадан иборат аралаш жуфтлигимиз бронза медалининг соҳиби бўлишди. Якка мусобақаларда Жанубий кореялик рақиби Чон Жон Кимни 3/6, 6/2, 6/3 ҳисобида енгган Ирода Тўлаганова финалга чиққан бўлса, Олег Огородов ярим финалга йўлланма олди.

Шундай қилиб Осиё ўйинларининг ўн иккинчи кунида битта қумуш ва учта бронза нишонларининг соҳиби бўлган юртдошларимиз жами 7 та олтин, 8 та қумуш ва 13 та бронза медалларини жамлаган ҳолда умумжамоа ҳисобида 43 мамлакат ўртасида саккизинчи ўринда боришмоқда.

БУГУН

боксчиларимиз олтин медаллар учун курашни давом эттириш мақсадида ярим финал баҳсларида иштирок этишади.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: спортчиларимиз —XIV Осиё ўйинларида.

Анвар Илёсов («Жаҳон» АА) олган сурат.

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўз ўйланиб доно бўлур...

● Бир донишманддан: «Мурувват нима?» деб сўрадилар. У: «Қариндош-уруғ, дўсту ёрлардан етган жафоларни кечиришдир», деб жавоб берди.

● Ҳаё қалбнинг ҳақиқий кўзгусидир.

● Уч нарса инсонга саодат келтиради: сиҳат-саломатлик, тинч, фароғатли турмуш ва ишқ-муҳаббат.

● Меҳнат инсонни уч балодан сақлайди: юрак сиқилишидан, ахлоқий бузилишдан, муҳтожликдан.

● Мулойимлик ва тадбир билан қилиш мумкин бўлган бир юмушни қўполлик ва тадбирсизлик билан бажариш нодонликдир.

● Ҳеч бир иш ғайрат ва жасоратсиз бўлмайди, аммо жойида ишлатилмаган ғайрат ва жасоратдан маъно йўқ.

● Интиқом олиш ва жазо беришга қодир бўла туриб, авф билан муомала қилиш ажойиб фазилатдир.

● Пул ва молни керакли ва зарур бўлган нарсаларга сарф этгандан кейин, қолган ва ортган пулдан бир қисмини келгуси кунлар учун сақлаш лозимдир. Шундай қилинса, иқтисод қила-қила сўмлар йиғилиб, катта сармоя ҳосил бўлади.

Иқтисод, тежашни одат қилган одамлар саодат ва тинчлик билан умр кечирадилар. Тўғри, яхши ейиш, ичиш, кийиш керак, аммо «Кўрпангга қараб оёқ узат», дейилган сўзга амал қилинса, бошқалар қўлида бўлган нарсаларга тама қилинмайди, кўнгил ҳам шод бўлади. Қўлида бўлган пул, молга қаноат қилмаган одамнинг нафси бутун дунё молига ҳам қаноат қилмайди.

Иқтисод билан амал этмаган одам хасис ва тамакор бўлади. Тама эса давоси топилмаган касалликдир.

● Агар бир дарахт кессангиз, ўрнидан янги новдалар кўкариб чиқади. Аммо меҳру муҳаббат ниҳоли жафо арраси билан арраланса, асло кўкармайди.

● Уч нарса инсонга жуда зарур: қаҳру ғазаб вақтида ўзни тута билиш, бошга қулфат тушганда бетоқат бўлмай сабр қилиш ва ҳайрли ишларга шошилиш.

● Ишнинг оқибатини, нима бўлишини билиш — оқилликдан, аммо келадиган фалокатга чора изламай, қайғу чекиб ўтириш — нодонликдан далолат беради.

● Қўлга кирган муваффақиятдан ғурурланиб кетиб, кўз тиниши ичкилик қайфидан кўрқинчлирокдир.

● Икки нарса, яъни шижоат ва матонат инсонга ҳар ишда муваффақият бахш этади. Шижоат — ботирлик, мардлик билан ишга киришиш, матонат эса бардошлилик, мустаҳкам ва қатъий иродали, деган сўздир. Бу хислатларга эга бўлган киши бахт-саодатга эришади.

Ким шижоат ҳам матонат йўлига қўйса қадам,
Ишлари топгай ривожу, эл қошида муҳтарам.

● Ҳар бир сўзни ҳақиқат деб сўзлайбериш хато, аммо ҳақиқий сўзни тинглаш ва унга амал қилиш фарздир.

● Ёғочни теша билан йўнсанг, теша пайраҳани фақат ўз томонига тўплайди, бир пайраҳани ҳам ташқарига чиқармайди. Рандаласанг, ранда қириндиларни ташқарига чиқариб юборади, ўз томонида бирорта қиринди қолдирмайди. Арраласанг, арра ҳар икки томонга баравар қипиқ тўкади. Турмушда теша каби бахил бўлиб, фақат ўз манфаатингигина ўйлама, бошқаларга ҳам ёрдам бер. Агар бор-йўғингни бошқаларга сарф қилиб, натижада ўзинг муҳтожликда қолсанг, ранда ишини қилган бўласан. Энг яхшиси арра каби иш тут, ўзингга ҳам бўлсин, бошқа кишиларга ҳам ёрдаминг, фойданг тегсин.

● Ножинс кишининг зарар етказишини ўйламай, у билан дўстлашиб, суҳбатдош бўлган одам, охири ғам-ҳасратга гирифтор бўлади.

● Ишда мартабангиз қанча юқориланса, қобилият ва лаёқатингизни ҳам шунча оширинг, бўлмаса пушаймон қиласиз.

● Баъзи ёши улғайган одамлар ёшларнинг йўлига ғов бўлишни ўзларига одат қилиб оладилар. Бундай одамлар ёнларидаги ёш ниҳолларнинг ўсиб-унишига халақит берадиган қари, мевадан қолган дарахтларга ўхшайдилар.

● Бир хотин эри вафот қилгандан кейин бошқа бир кишига турмушга чиқди. Ҳар куни у кейинги эрига вафот топган эрини мақтаб:

— Сиздан олдинги эримнинг вафоти сабабли кўнглимда ҳосил бўлган қайғу-аламни қандай қилиб унутишимни билмайман, ҳамма вақт уни эслашдан ўзимни тия олмайман, — деб ҳасрат қиларди.

Кейинги эри хотиннинг аввалги эрини ҳар куни таъриф-тавсиф қилганини эшита бериб, безор бўлди.

Бир куни хотини яна ҳар куни айтадиган сўзларини такрор қилган эди, эри қайғуланиб айтди:

— Аввалги эрингизнинг вафот этгани учун мен ҳам жуда қайғураман. Қайғу-аламимнинг кўплигидан нима қилишимни билмайман.

— Вой, сиз ҳам қайғура бошладингизми?

— Ёлғон сўзламайман, аввалги эрингизнинг вафотига мен ҳам қайғура бошладим.

— Нима сабабдан?

— Агар у эрингиз вафот қилмаган бўлсайди, сиз унинг хотини бўлиб қолаверардингиз, мен ҳам ҳар куни уни таъриф қилиб айтган сўзларингизни эшитмасдим.

ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

* * *

Бир подшоҳнинг Абу Тамом деган вазири бор эди. У ниҳоятда оқил, фозил ва тадбиркор киши эди. Кунлардан бир кун подшоҳ Абу Тамомдан шубҳаланиб, уни ўлдириш қасдига тушди. Подшоҳнинг қора ниятини пайқаган Абу Тамом, ўз бойлигидан эплаганича олтин-жавоҳирлардан олиб, кечаси саройдан қочди. Абу Тамом шаҳарма-шаҳар, манзилма-манзил юриб, ниҳоят Олон мамлакатининг чегарасига етди. Абу Тамом шаҳарга кирмай, тоғ этагида чодир қуриб, ўша ерда яшай бошлади.

Тоғнинг об-ҳавоси, оқар сувлари Абу Тамомга лаззат бағишларди. Шунинг учун у ҳар куни атрофга чиқиб сайр-томоша қилар ва гоҳо-гоҳо у-бу сотиб олиш мақсадида шаҳарга ҳам тушиб турарди. Секин-аста одамлар Абу Тамомни таний бошладилар ва унинг аҳволидан ўз подшоҳларига хабар бердилар.

Шоҳ Абу Тамомни ўз саройига чақирди. Абу Тамом шоҳ саройига кириб, шоҳга таъзим қилди. Абу Тамом шоҳлар ҳузурида қандай ҳаракатлар қилиниши лозим эканлигини билгани учун, шоҳга маъқул тушди. Абу Тамомнинг одоби, яхши ахлоқи, суҳандонлиги подшоҳга мақбул бўлди. Подшоҳ Абу Тамомга илтифотлар кўрсатиб, унинг аҳволидан сўради. Абу Тамом ўз бошидан кечирганларини баён қилди. Подшоҳ унинг аҳволидан воқиф бўлгач, деди: «Сен бизнинг хизматимизда мақом тутсанг ҳар қандай хавф-хатардан омон ва эҳсонимиздан баҳраманд бўлурсан».

Абу Тамом шоҳнинг хизматида бўлди. Шоҳ Абу Тамомга кўп эҳсонлар қилди ва уни доим улуғлади. Шунингдек, ҳар хил ҳунарда уни имтиҳон қилиб кўрар ва Абу Тамомнинг ҳар ишда баркамоллигини кўриб, унинг иззат-ҳурматини яна юқори кўтарарди. Ҳеч қандай ишни унинг маслаҳатисиз қилмас эди.

Кунлардан бир кун Абу Тамом шоҳга деди: «Мен бир ғариб кишидурман, аммо шоҳ ҳазратлари менга ниҳоятда юқори эътимод билан қарайдилар. Ҳар бир соҳада менинг фикримни сўраб, иш тутадилар. Зеро, бир ғариб кишига бунчалик эътимод қўймоқлик, жамоат ўртасида ҳар хил номақбул гапларнинг содир бўлишига йўл очмоғи муқаррардир. Кўрқаманки, сарой аҳли ҳасад домига тушиб, ҳасад гулханини баланд кўтаргайлар... Бинобарин, менга адоват қилиб ростлик ва тўғрилик юзига қоракуяни ниқоб айлагайлар».

«Душманлар сенинг ҳақингда ҳар қанча бўҳтон қилмасинлар, барибир қулоқ солмайман» деди шоҳ.

Кунлар кетидан кунлар ўтарди. Абу Тамом давлат ишларида фаза ва адолат ўрнатарди.

Подшоҳнинг тўртта вазири бор эди. Мамлакат ишлари мана шулар қўлида эди. Аммо, Абу Тамом келгач, подшоҳнинг кўнглини ўзига ром қилиб, мамлакат ишларини ўз қўлига олди ва вазирларнинг иши орқага кетди. Уларнинг дилида ҳасад олови кундан-кунга алангалана борди. Уларнинг тўртталаси биргалашиб Абу Тамомга қарши ҳар хил туҳматлар ўйлаб чиқарардилар.

Ниҳоят, ҳар тўртталаси шундай қарорга келдилар: Туркистон хонининг бағоят зебо қизи бордир. Қизни ўз никоҳига киритиш мақсадида бир неча шаҳзодалар элчи юбордилар. Аммо Туркистон хони борган элчиларни ўлдирарди. Эртага саройга бориб, Туркистон хони қизининг ҳусн-малоҳати ва баркамоллигини ҳадсиз муболағалар билан шоҳга тавсиф қилсак. Зора шоҳнинг кўнгли ул қизга ром бўлса. Ана шундан сўнг шоҳ Туркистонга элчи юбормоқ ҳаракатига тушади ва биз Абу Тамомни элчиликка тавсия қиламиз. Ушбу йўл билан Абу Тамомдан қутуламиз.

Эртаси куни вазирлар подшоҳга Туркистон қизининг ҳусну-жамоли ва ой талъат висоли ҳақида чунон муболағалар қилдиларки, у қизни бир кўрмоқ ҳаваси, васл чашмасидан баҳраманд бўлмоқ таманноси шоҳни беором қилди. Шоҳ кечаю кундуз қизнинг висолига етиш борасида ўйлар, ҳатто емак-ичмакда, ҳузур ва уйқуда ҳаловатини ҳам йўқотди. Ниҳоят, вазирларни ўз ҳузурига чақириб, маслаҳат сўради: «У маҳбубга етишмоқ учун қандай тадбир қўлламоқ керак?» Вазирлар жавоб бердилар:

— Элчи юбормоқ даркордир. Агар Туркистон хони сизни ўзига қуёвликка лойиқ топса, элчи қизни сизнинг никоҳингизга киритиб қайтмоғи муқаррардир.

— Элчиликка кимни муносиб деб билурсизлар?

— Бу ишни бажаришда Абу Тамомдан муносиброқ киши ҳаргиз топилмайди. Абу Тамом шоҳлар хизматида кўп йиллар давомида беҳад тажриба орттирган ҳамда одоб ва ахлоқ доирасининг энг нозик томонларидан ҳам воқифдир.

Бу сўз подшоҳга маъқул бўлди ва Абу Тамомни чорлаб воқеани баён қилди. Абу Тамом хизмат камарини белига боғлаб, шоҳга таъзим қиларкан, деди:

— Подшоҳга жоним фидо бўлсин. Агар буюрсалар бошим билан борай, токи шоҳнинг мақсудлари бўлмиш ул маҳбубни бу ерга келтирай.

Шоҳ сафар анжомини муҳайё қилишга буйруқ берди. Бир қанча туҳфа ва ҳадялар ҳозирланди. Эртаси тонгда Абу Тамом Туркистонга йўл олди. Туркистон хони Абу Тамомни бағоят улуғлаб, яхши илтифотлар кўргазди. Абу Тамом туҳфа, ҳадяларини топширгач, ўзининг элчилик вазифасини адо этиб, шоҳнинг номасини хонга тутди. Қабул сўнггида хоннинг қизини шоҳ учун сўради. Хон деди: «Мен ўз қизимга Олон шоҳидан кўра муносиброқ кишини тополмайман. Зеро, у буюк подшоҳдир, шунингдек, вилояти беадад, мамлакати бепоён. Бинобарин, бундай қуда-андачиликни ўзимга бахт деб билурман.

Лекин мен қизим учун бир оз мол-мулк ва жиҳозлар тайёрлаганман. Эрта бомдоддан сўнг бориб қизимни кўр ҳамда тайёрлаган жиҳозларимни бирма-бир кўздан кечир. Агар қизим ва унинг жиҳозлари шоҳингга мақбул бўлишига ишончинг комил бўлса, ўша ерда никоҳ қилиб келурсан. Мабодо қизим ёки унинг жиҳозлари сенга мақбул бўлмаса, у ҳолда никоҳ қилмаганинг яхшироқдир, токи надомат ва пушаймонга сабаб бўлмагай».

Абу Тамом таъзим қиларкан: «Ул жавоҳир сендек улуғ подшоҳнинг зурёди бўлса, боз устига, улуғ бир подшоҳнинг ҳарамига борса, қандай ҳаддим борки, ул жавоҳирга назар солгайман. Шунингдек, жиҳозни кўриш масаласига келганда, бизнинг подшоҳимиз молмулк учун эмас, балки висол камоли учун қудачилик қилмоқчи», деди. Туркистон хони деди: «Сендек хизматкорга эга бўлган подшоҳга раҳматлар бўлсин! Билгинки, бундан аввал қизимни ўз никоҳига киритмоқни истаган подшоҳлардан элчилар келарди. Мен элчиларга синамоқ учун юқоридаги фикримни айтардим. Улар қизимни бориб кўришга ошиқардилар. Уларнинг қилмишларидан ғазабланардим ва йўлдаёқ ўлдириб юборишга буйруқ берардим. Мен бугун сендаги одоб ва идрокни мушоҳада қилдим ва билдимки, сенинг подшоҳинг мард ва оқил кишидир. Чунки элчининг одоби подшоҳнинг улуғлиги ва оқиллигидан далолат берадур».

(Давоми бор.)

Муҳаммад Авфий

Жавомиъ ул-ҳикоёт

Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

Бошқотирма

Ёйлар бўйича: 1. Соғлиқни сақлаш, даволаш ишлари мажмуи. 2. Олов зарраси. 3. Ўтмишни ўрганувчи фан. 4. Машғулот ўтказувчи гуруҳ. 5. Марказий осиёлик ватанпарвар аёл ҳақидаги жангнома мазмунидаги афсона. 6. Донли экин. 7. Сотиш учун ишлаб чиқариладиган маҳсулот. 8. Фаолиятдаги малака. 9. Ўзбек халқ рақс куйи. 10. Камёб тоғ қўйи. 11. Табиат ҳодисаси. 12. Адиблар ҳақида маълумот ва уларнинг асарларидан намуналар келтирилган тўплам. 13. Текшириш, таҳлил сўзларининг китобий атамаси. 14. Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романи қаҳрамони. 15. Самолёт сақланадиган ва таъмирланадиган иншоот. 16. Қарчиғайсимонлар оиласига мансуб қуш. 17. Маҳсулотнинг илк баҳоси. 18. Шамсий йил ҳисобидаги саккизинчи ой. 19. Туркиядаги порт шаҳар. 20. Ўрта асрда мўғул истилочиларига қарши курашган халқ ҳаракати раҳбари. 21. Тоғ ён бағирларида ўсувчи зиравор. 22. Сўз устаси. 23. Сув жонивори. 24. Алоқа техникаси. 25. Табобат соҳаси. 26. Металл. 27. Суриядаги шаҳар. 28. Атроф-муҳитни ўрганувчи фан. 29. Чирой, ҳусн, латофат. 30. Бадиий буюм. 31. Танаси қорамтир жануб дарахти. 32. Эрксевар халқлар орзуси.

Муаммонома

Қуйидаги очқич сўзлар асосида ҳал этиладиган муаммономада «Оталар сўзи» номи билан машҳур бўлган тўпламдаги ҳикматли сўз яширинган.

1. Дил изҳори, мактуб — 5, 1, 6.
2. Дил, кўнгил — 2, 1, 3, 4.
3. Ишқ, муҳаббат — 13, 8, 11, 7,9.
4. Тошкентнинг қадимий номи — 10, 12, 10.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

Газетанинг шу йил 4 октябрь сонида берилган «Олтин куз» бошқотирманинг жавоблари:

Бўйига: 1. Ҳашар. 2. Хазонрезги. 3. Ширинак. 4. Мезон. 6. Меҳржон. 7. Зоғча.

Энига: 5. Терим. 8. Анор. 9. Хазон.

Шакл атрофи бўйича: 10. Мактаб. 11. Бодом. 12. Шош. 13. Шудгор. 14. Роҳат. 15. Ток. 16. Картошкагул. 17. Лайлак. 18. Кишмиш. 19. Шоли. 20. Ишком.21. Мирзойи. 22. Изғирин. 23. Нўхат. 24. Турп. 25. Пахта. 26. Ақраб. 27. Боғ. 28. Гарам.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4531 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларидаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-909. Босмага топшириш вақти 13.00 Топширилди 12.50 1 2 3 4 5 6